



<<Тасдиқлайман>>

Янги Наманган туман
Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб қувватлаш бўлими

А.Нурматов

30.08.2022 йил

Сунъий газон ётқизиш ишлари бўйича

танлов ҳужжатлари

Буюртмачи: Янги Наманган туман Маҳалла ва
нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими

Наманган-2022

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Товарнинг характеристикаси

Номи	Миқдори	Суммаси
Сунъий газон ётқизиш ишлари	хизмат	87 500 000 сўм

1.2. Танлов қиймати 87 500 000(Саксон етти миллион беш юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

2.Танлов ташкилотчилари

2.1. Янги Наманган туман Махалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (бундан кейин- “буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2. Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

3.Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

3.2.1. Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси ҳамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

3.2.2. Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

3.2.3. Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.2.4. Низом маблағи миқдори.

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига жойлаштириши мумкин.

4.2. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Иштирокчи фақат битта таклиф беришга ҳақли.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошқа шартлар

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

СУНЪИЙ ГАЗОН ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИ УЧУН БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР САРФ-ХАРАЖАТИ

№№	НАИМЕНОВАНИЕ РАБОТ И РЕСУРСОВ	ЕД.ИЗМ	СУММА
1	УСТРОЙСТВО БАРДЮРА ИЗ ЖЕЛЕЗОБЕТОНА НА КРАЙ СПОРТИВНОГО ПОЛЕ	ШТ 52	8,750,961
2	УСТРОЙСТВО КОЛЬЦО СТЕНОВОЕ КЦ10-9	ШТ 4	899,840
3	УСТРОЙСТВО СПОРТИВНОГО ПОКРЫТИЯ ИЗ СИНТЕТИЧЕСКОЙ ТРАВЫ SPORT ELIT TURF /ТИПА POLTAN LIGATURF/	100М2	40,818,760.00
4	УЛУЧШЕННАЯ ОКРАСКА МАСЛЯНЫМИ СОСТАВАМИ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН	100М2	2,848,547
5	ИЗГОТОВЛЕНИЯ И МОНТАЖ ОБЪЁМНЫХ БУКВ	ШТ 1	7,850,000.00
6	ИЗГОТОВЛЕНИЯ И МОНТАЖ ЛЕД ПАНЕЛЕЙ	ШТ 1	12,150,000.00
	ОСНОВНАЯ ЗАРАБОТНАЯ ПЛАТА		4,277,120
	ОТЧИСЛЕНИЕ В СОЦ.СТРАХ 12 %		513,254
	СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ		53,318,108
	ИТОГО:		58,108,482
	ИЗГОТОВЛЕНИЕ И МОНТАЖ ОБОРУДОВАНИЯ		20,000,000
	ИТОГО:		78,108,482
	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 12 %		9,391,518
	ВСЕГО:		87,500,000